

ЎТА ШАФҚАТСИЗЛАРЧА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ВА УНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Жўраев Алимардон Тўймуродович

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти
илмий ходими-тадқиқотчи майор.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18619112>

Жиноятчиликнинг энг оғир ва жамият учун ўта хавфли кўринишларидан бири – бу ўта шафқатсизларча содир этиладиган жиноятлардир. Ушбу тоифадаги жиноятлар нафақат жабрланувчининг жисмоний яхлитлигига, балки унинг руҳий дунёсига, оила аъзоларига ва бутун жамиятнинг хавфсизлик ҳиссиётига жиддий путур етказди. Жаҳон миқёсида ҳам ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш долзарб масала сифатида эътироф этилмоқда ва кўплаб давлатлар бу борада махсус дастурлар ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида тизимли ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, ўта шафқатсизларча содир этилган жиноятларнинг ҳуқуқий тавсифи ва криминологик жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш ҳамон давр талабига айланиб бормоқда. Мазкур мақолада ушбу масалани ҳуқуқий, криминологик ва амалий жиҳатдан комплекс таҳлил қилиш мақсад қилинган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида “ўта шафқатсизлик” тушунчаси мураккаб ва кўп қиррали категория ҳисобланади. Ушбу тушунча ягона аниқ таърифга эга бўлмаса-да, унинг мазмунини очиқ берувчи бир қатор объектив ва субъектив белгилар мавжуд.

Объектив жиҳатдан ўта шафқатсизлик қуйидаги белгилар билан тавсифланади: жабрланувчига кўп сонли тан жароҳатлари етказилиши, ўлим олдидан узоқ давом этадиган жисмоний ва руҳий азоблар бериш, жабрланувчини ожиз аҳволда эканлигидан фойдаланиш, яқин қариндошлари кўз ўнгида жиноят содир этиш, жасадга нисбатан ҳурматсизлик билиш каби ҳаракатлар. Субъектив жиҳатдан эса жиноятчи ўзининг ҳаракатлари жабрланувчига ўта шафқатсизларча азоб-уқубат етказётганлигини англаган ва буни хоҳлаган, яъни тўғри қасд билан ҳаракат қилган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида “ўта шафқатсизлик” бир қатор моддаларда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган. Жумладан, ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди, 104-модда 2-қисм “в” банди, 105-модда 2-қисм “г” банди, 126¹-модда 5-қисм “в” банди ва 126¹-модда 7-қисм “в” бандида жавобгарлик белгиланган. Бу эса қонун чиқарувчи томонидан ушбу белгига алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

Қиёсий ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, дунё давлатларида ҳам ўта шафқатсизлик тушунчасини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмас.

Хусусан, **Россия Федерацияси** суд амалиётида бу ҳолат ўлим олдидан узоқ давом этадиган азоблар, тан жароҳатларининг интенсив кўпайиши ва жиноятчининг тўғри қасди каби белгилар билан баҳоланади. **Буюк Британияда** эса ўта шафқатсизлик билан содир этилган қотиллик алоҳида жиноят сифатида қайд этилиб, умрбод озодликдан маҳрум қилишни назарда тутди. **АҚШ**нинг айрим штатларида бундай жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланилади.

Демак, ўта шафқатсизлик белгиси жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини кескин оширувчи омил бўлиб, унинг ҳуқуқий тавсифида ҳам объектив (ташқи кўриниш), ҳам субъектив (ички мотив) жиҳатларни биргаликда баҳолаш зарур.

Мазкур турдаги жиноятларни содир этган 100 нафар маҳкумлар бўйича тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, содир этилган жиноятлар таҳлилида бир нечта жиноят мажмуи кузатилган, яъни улардан 78 таси қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-модда), 37 таси жинсий жиноятлар (ЖК 118-119-моддалар), 29 таси босқинчилик (ЖК 164-модда) ва 53 таси турли қўшимча жиноятларни ташкил этганлиги аён бўлди.

Бундан шу билиш мумкинки, ўта шафқатсизларча содир этилган жиноятларнинг марказида қасддан одам ўлдириш туради, лекин у кўп ҳолларда бошқа оғир жиноятлар – босқинчилик, зўрлаш, мулкӣ жиноятлар билан бирга содир этилади.

Бу ҳолат амалий аҳамиятга эга бўлиб, тергов ва суд амалиётида ўта шафқатсизларча содир этилган жиноятларни малакалашда жиноятлар мажмуини тўғри баҳолаш, ҳар бир жиноий ҳаракатни алоҳида квалификация қилиш ва жазони тайинлашда жиноятларнинг умумий ижтимоий хавфлилигини ҳисобга олиш зарур.

Ўта шафқатсизларча жиноят содир этган шахсларнинг криминологик портретини яратиш эса жиноятларни олдини олиш стратегиясини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айниқса жиноят содир этган шахсларнинг демографик тавсифи, маълумот даражаси, оилавий ҳолати ва бандлиги, судланганлик ҳолати муҳим аҳамиятга эга.

Уларнинг психологик профили бўйича маҳкумлар устида ўтказилган махсус психологик тестлар қуйидаги характерли хусусиятларни аниқлади. Жумладан, юқори даражадаги агрессивлик ва жанжалкашлик, жисмоний зўравонликка доимий мойиллик, эмпатиянинг – яъни бошқаларнинг дарди ва эҳтиёжларини ҳис қилиш қобилиятининг деярли йўқлиги, эмоционал дисрегуляция – ҳиссиётларни бошқара олмаслик, бостирилган аффектнинг тўсатдан портлаши, ўзини ҳурмат қилиш даражасининг ўта пастлиги ва ички зўриқишнинг доимий мавжудлиги, шунингдек ташқи кўринишида тинч, лекин ичкида тўпланган интенсив аффект – бу профиль кўпинча зўравон хатти-ҳаракатдан сўнг ҳам ташқи тинчликни намоиш этувчи шахсларда учрайди.

Криминологик тадқиқотнинг энг муҳим натижаларидан бири – ўта шафқатсизларча содир этилган жиноятларнинг омиллар тизимини аниқлаш ва уни илмӣ тизимлаштиришдир. Тадқиқот давомида 100 нафар маҳкум томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жами 329 та омил аниқланиб, илмӣ жиҳатдан бешта асосий гуруҳга тизимлаштирилди.

Биринчи ва энг салмоқли гуруҳ – **психологик омиллар** бўлиб, улар 38,3 фоизни ташкил этди. Бу гуруҳга агрессия, эмоционал совуқлик, эмпатиянинг паст даражаси, шахсий назоратнинг сустлиги, импульсивлик, мастлик ҳолати, гиёҳвандлик таъсири, ўзаро келишмовчилик, қасос ва рашк ҳиссиёти кирган. Мазкур кўрсаткич шуни англатадики, жиноятчиларнинг деярли ўндан тўрттаси ўз ҳис-туйғуларини бошқара олмаганлиги сабабли ўта шафқатсизларча ҳаракат қилган.

Иккинчи гуруҳ – **ижтимоий омиллар** эса 25,2 фоизни ташкил этиб, маҳкумларнинг 91 фоизига нисбатан маҳалла вакиллари томонидан етарли назорат ўрнатилмагани, носоғлом оилада тарбияланиш, ноқонуний никоҳсиз яшаш, болаликда зўравонликка дучор бўлиш, ота-оналарнинг бепарволиги, судланган шахсларнинг салбий таъсирига тушиб қолиш – буларнинг барчаси жиноятчи шахсининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Учинчи гуруҳ – **иқтисодий омиллар** – 12,8 фоиз бўлиб, жиноят содир этган пайтда 74 фоиз маҳкум ишсиз бўлгани, барқарор иш тажрибасининг йўқлиги, доимий даромад

манбаига эга бўлмаслик, қарздорлик, моддий ёрдамга мухтожлик, ҳаётдан қоникмаслик ва умидсизлик бу гуруҳнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Тўртинчи гуруҳ – **тиббий омиллар** эса 12,2 фоизи аниқланиб, улар алкоголизм, гиёҳвандлик, психофаол моддаларга ружу қўйиш, руҳий бузилишлар жиноят содир этишга бевосита таъсир кўрсатган. Алкоголь шахснинг онгини ва ўзини назорат қилиш қобилятини сусайтириб, агрессив импульсларни фаоллаштирган.

Бешинчи гуруҳ – **маънавий-маърифий омиллар** ҳам мавжуд бўлиб, 11,5 фоиз. Шахснинг маънавий билим даражасининг пастлиги, мактабни тўлиқ битирмаганлиги, тартибсиз ҳаёт тарзи, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланмаганлиги, **“субмаданият”** таъсири остида қолганлиги бу гуруҳнинг асосий белгиларидир.

Муҳим криминологик хулоса шундаки, аксарият ҳолатларда ўта шафқатсиз жиноятлар бир эмас, балки бир нечта омиллар гуруҳининг биргаликда таъсири натижасида содир этилади. Масалан, антисоциал шахсият бузилиши (биологик), моддий манфаат учун жиноят содир қилиш (иктисодий), жиноят муҳитида яшаш (ижтимоий), алкоголь таъсирида назоратни йўқотиш (ситуацион) мавжудлиги натижасида ўта шафқатсизларча жиноят содир этилиши маълум бўлди.

Ҳар бир жиноятни таҳлил қилишда асосий (доминант) омил ва қўшимча омилларни ажратиш – профилактика чоралари ва жазони индивидуаллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўта шафқатсизларча жиноят содир этган шахсларни шакллантиришда тўртта асосий муҳитнинг салбий таъсири аниқланди.

Оилавий муҳитида, маҳкумларнинг 38 фоизи носоғлом оилавий муҳитда тарбияланган. Ота-оналарнинг сурункали спиртли ичимлик истеъмолига ружу қўйганлиги, оилавий зўравонлик, ота-онанинг фарзанди тарбиясига эътибор қаратмаганлиги жиноятчи шахсини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Оила – шахснинг биринчи ижтимоийлашув муҳити бўлиб, агар ушбу муҳитда зўравонлик "норма" сифатида қабул қилинса, бола катта бўлганида ҳам зўравонликка мойил бўлади.

Мактаб муҳитида, маҳкумларнинг 67 нафари мактабда паст баҳоларда ўқиган, бор-йўғи 58 нафари ўрта маълумотга эга. Мактабда таълим олиш жараёнида паст ўзлаштириш кўрсаткичлари, девиант хулқ-атворнинг эрта пайдо бўлиши ва ҳуқуқий онгнинг заиф шакллангани аниқланган. Мактаб – шахснинг иккинчи ижтимоийлашув муҳити бўлиб, ушбу босқичда болани ижобий йўналишга бурилиш имконияти бой берилган.

Ижтимоий муҳитида, 91 фоиз маҳкум маҳалла томонидан ўсмирлик давридан девиант хулқ-атворга эга бўлса-да, етарли даражада назоратга олинмаган. "Маҳалла еттилиги" вакиллари эътибор қаратмаган ва ижтимоий кўмак берилмаган. Ижтимоий тенгсизлик, камбағаллик, аҳоли билан муносабатга кириша олмаслик натижасида уларда салбий характер шаклланган ва агрессив хулқ-атворга мойиллик кучайган.

Иқтисодий муҳитида, айрим маҳкумларнинг ёшлигиданоқ оиласида иқтисодий қийинчиликлар доимий бўлган. Уларга ўсмирлигидан қизиқиши ва қобилятидан келиб чиқиб касб-хунарга ўргатилмаган, оилани моддий жиҳатдан таъминлай олмаслик ички босим ва руҳий стрессларни кучайтирган. Иқтисодий муҳитнинг салбий таъсири бошқа муҳитлар билан бирга комплекс тарзда намоён бўлган.

Шундай қилиб, жиноятчини шакллантирган тўртта муҳит – оилавий, мактаб, ижтимоий ва иқтисодий муҳитлар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бирида юз берган камчилик бошқасида кучайиб, натижада шахсда жиноий хулқ-атвор шаклланади.

Бу борада, ўта шафқатсизларча содир этилган жиноятларга қарши курашишда хорижий давлатларнинг самарали тажрибаларини ўрганиш ва миллий шароитга мослаштириш муҳим аҳамиятга эга.

АҚШда ушбу турдаги жиноятларга қарши бир нечта ихтисослашган дастурлар ишлаб чиқилган. “Violent Criminal Apprehension Program” серияли ва ўта шафқатсиз жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга олишга, “Threat Assessment Teams” таълим муассасаларида потенциал қотилларни психологик жиҳатдан таъкиб қилишга, “Cure Violence” эса жамоат саломатлигини таъминлаш орқали зўравонликнинг олдини олишга қаратилган. Ушбу дастурларнинг асосий ғояси – жиноятни содир бўлгандан кейин жазолаш эмас, балки уни содир бўлишидан олдин олдини олишдир.

Беларусда “Зўравонлик” профилактика акцияси йилда бир маротаба ИИБ, Бош прокуратура, Ижтимоий ҳимоя вазирлиги ва жамоатчилик ташкилотларининг иштирокида 3 босқичда ўтказилади. Дастур натижасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолатлар 14,3 фоизга камайган – бу идоралараро ҳамкорликнинг самарасини яққол кўрсатади.

Норвегия модели алоҳида эътиборга лойиқ. Ҳалден ва Бастой қамоқхоналарида қамоқхона жамиятга қайтариш марказига айлантирилган. Интенсив психологик терапия, тикловчи адлия тизими ва инсонпарварлик ёндашуви натижасида қайта жиноят содир этиш кўрсаткичи 20 фоизгача тушган. Бу АҚШнинг 76 фоизлик кўрсаткичи билан таққослаганда фавқуллодда юқори натижадир.

Шотландиянинг “Violence Reduction Unit” дастури зўравонликни жамоат саломатлиги муаммоси сифатида кўриш тамойилига асосланган. Мактабларда зўравонликни олдини олиш, хавфли ёшлар билан индивидуал ишлаш натижасида 2005-2015 йиллар оралиғида қотилликлар 50 фоизга камайган.

Германияда агрессия бошқаруви бўйича мажбурий тренинглар ва шафқатсиз жиноятчилар учун махсус психотерапия дастурлари самарали натижа берган. Педофилия рецидивини тўхтатиш мақсадида жорий этилган кимёвий кастрация амалиёти рецидивни 84 фоизга камайтирган.

Сингапур тажрибаси бутунлай бошқача ёндашувни намоён этади: коррупция ва жиноятчиликка нол толерантлик, қатъий жазолар тизими, юқори маошли ва ҳалол полиция тизими натижасида Сингапур дунёдаги энг хавфсиз давлатлардан бирига айланган.

Ўзбекистон учун энг мақбул ёндашув – ушбу моделларнинг энг самарали элементларини миллий шароитга мослаштириб қўллаш: Скандинавия моделидан комплекс профилактика тизимини, Шотландия тажрибасидан зўравонликни жамоат саломатлиги муаммоси сифатида кўриш тамойилини, Германия тажрибасидан психологик реабилитация дастурларини, Сингапур моделидан эса жиноятчиликка нол толерантлик сиёсатини ўзлаштириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлиллار асосида ўта шафқатсизларча содир этилган жиноятларга қарши курашишни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни ишлаб чиқиш мумкин.

Қонунчиликни такомиллаштириш йўналишида:

Биринчидан, ўта шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятларнинг барча тури бўйича жиноий жавобгарлик имтиёзларини тўлиқ бекор қилиш. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги (ЖК 64-модда), амнистия акти (ЖК 68-модда), жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги (ЖК 69-модда), афв этиш (ЖК 74, 76-моддалар) каби имтиёзларни ушбу тоифадаги жиноятчиларга нисбатан татбиқ этмаслик – "жиноят учун жазо муқаррарлиги" принципини тўлиқ таъминлайди.

Иккинчидан, вояга етмаганларга нисбатан шахвоний усулда ўта шафқатсизларча жиноят содир этган шахсларга кимёвий кастрация жазосини жорий этиш. АҚШ, Германия, Франция, Польша, Қозоғистон каби 10 дан ортиқ давлатлар тажрибаси бу чоранинг самарали эканлигини исботлаган.

Учинчидан, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи контентларга қарши ЖКнинг 130-прим моддасини кучайтириш: санкцияга "уч йилгача озодликни чеклаш" жазосини қўшиш ва "вояга етмаганлар ва аёллар билан боғлиқ ҳолда содир этилиши"ни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш.

Профилактика тизимини такомиллаштириш йўналишида:

Тўртинчидан, "маҳалла еттилиги", ички ишлар органлари, руҳий касалликлар шифохонаси ва экспертиза муассасалари ўртасида интеграциялашган "Алоҳида эътиборга молик шахслар" электрон базасини яратиш. Бу база орқали ўта шафқатсизларча жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган шахсларнинг реестрини юритиш ва уларга нисбатан манзилли профилактик тадбирлар ўтказиш мумкин бўлади.

Бешинчидан, жиноят содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни – айниқса ёшлар, вояга етмаганлар, аёллар ва ишсизларни аниқлаш ва улар билан манзилли профилактик ишлар олиб бориш тизимини йўлга қўйиш.

Олтинчидан, тажовузкор руҳий касалларни тафтишдан ўтказиш, мавсумий хуруж қиладиган шахсларни тиббий муассасаларга жойлаштириш ва наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш механизмларини такомиллаштириш.

Еттинчидан, "илмий диагноз" ёндашувини жиноятлар профилактикаси амалиётида кенг қўллаш. Ушбу ёндашув ҳар бир жиноятда асосий (доминант) ва қўшимча омилларни ажратиб, профилактика чораларини мақсадли ва самарали ташкил этиш имконини беради.

Ўта шафқатсизларча содир этилган жиноятлар – жиноятчиликнинг энг оғир ва жамият учун энг хавфли тури. Уларнинг ҳуқуқий тавсифи мураккаб бўлиб, ҳам объектив (жабрланувчига етказилган азоблар характери), ҳам субъектив (жиноятчининг тўғри қасди) жиҳатларни биргаликда баҳолашни талаб этади.

Криминологик таҳлил шуни кўрсатадики, ўта шафқатсиз жиноятчининг типик портрети – ўрта ёшли (43 ёш), паст маълумотли, ишсиз, илгари судланган эркак шахс. Жиноятларнинг 38,3 фоизи психологик, 25,2 фоизи ижтимоий, 12,8 фоизи иқтисодий, 12,2 фоизи тиббий ва 11,5 фоизи маънавий-маърифий омиллар таъсирида содир этилган. Бу омиллар яқка ҳолда эмас, балки комплекс тарзда таъсир кўрсатади.

Жиноятчини шакллантирган тўртта муҳит – **оилавий, мактаб, ижтимоий** ва **иқтисодий** муҳитлардаги камчиликлар бир-бирини кучайтириб, натижада шахсда жиноий хулқ-атвор шаклланади. Шу сабабли, ўта шафқатсизларча содир этилган жиноятларга қарши курашиш стратегияси ҳам комплекс бўлиши – ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, тиббий ва маънавий-маърифий йўналишларни ўз ичига олиши шарт.

Пировардида, мақсад – хавфсиз жамиятни шакллантириш, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш ва замонавий илмий ёндашувлар асосида жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштиришдан иборат.